

Соҳибқирон Амир Темур пирлари

Обиджон Ҳусанов

*Қаишқадарё вилояти халқ таълими
ҳодимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг
малакасини ошириш институти ўқитувчиси*

Соҳибқирон Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига назар ташлар эканмиз, эътиқод масаласида ҳам ўрнатилган олгулик жиҳатларни кўрамиз. Кучли диний билимга эга бўлган Соҳибқирон дин пешволари ва уламоларни кадрлаган ҳам қўллаб-қувватлаган. Амир Темур марказлашган давлатни адолат тамойилига асосланиб, олиму уламолар маслаҳатларига амал қилиб, кенгаш ва машварат асосида бошқарди. Амир Темур умри давомида тўртта пирга эътиқод қилди ва уларнинг маслаҳатлари билан иш тутди.

Соҳибқирон пирларидан биринчиси отасининг ҳам пири бўлмиш шахрисабзлик Шайх Шамсиддин Кулол ал Фохурийдир. Темурбек туғилгач, унга исм қўйиш учун отаси чақалоқни пири комил ҳузурига олиб боради. Шайхнинг олдида чақалоқни олиб борганида у Қуръони Каримдан «Мулк» сурасининг 16-оятини ўқиб ўтирган эди. Шайх муқаддас китобнинг ушбу оятидаги «Гамуру» сўзини олиб чақалоққа «Темур» деган исмини маъқул кўради. Бундан кўринадики, бўлажак Соҳибқирон дунё юзини кўрган кунидан бошлаб, унинг ҳаётида пири комиллар эш бўлган, муқаддас китоб каломлари қалбига зиё берган. Шунинг учун ҳам у ҳар бир ҳарбий юриши олдидан пири билан маслаҳат қилган. Жумладан, Амир Темур Хоразмга юриш қилиш олдидан пири Шамсиддин Кулол ҳузурига бориб, бўлажак юриши олдидан маслаҳатлашади, Шайх унинг Хоразмга ҳарбий юриши учун фатво беради. Шунда Амир Темур Хоразм устидан ғолиб келса Самарқанднинг бир йиллик хирожини ул зот шарифга беришликни кўнглидан ўтказди, натижада Хоразм устидан зафар кучади.

Амир Темурнинг иккинчи пири Саййид Амир Кулолдир. Улуғ зот Бухоронинг Сухор қишлоғида яшаган ва хожагон тариқатини Абдулҳолик Ғиждувонийдан кейин давом эттирган. Ул зотнинг муридлари ниҳоятда

кўп бўлган, ҳатто Шайх Шамсиддин Кулол ҳам ул ҳазратнинг асхобларидан бўлганлиги ҳақидаги тарихий маълумотлар бор.

Темурбек 17 ёшга тўлганида Саййид Амир Кулол ҳузурига боради. Пири муршид Темурбекда бўлажак улуғликни сезиб уни уйнинг тўрига ўтказди ва унга еттита нон бериб, ҳар бир нондан бир лукма егинки, то етти иқлим сенга таслим бўлсин деб каромат қилади. Темурбек нонни отасининг ҳузурига олиб боргач, отаси Амир кулол улуғ зот эканлиги, унинг айтган сўзлари ижобат бўлганлигини, шунинг учун нонларни сақлаб қўйишликни уқтиради.

Отаси яна бир кун Темурбекни ул зотнинг олдиларига олиб боради. Пири муршид Темурбекка олдида турган ёнғоқларни санашни буюради. Саналганда ёнғоқлар уч юз етмиш дона эканлиги маълум бўлади. Амир Кулол ҳар бир ёнғоқ бир йилга рамзий ишора эканлигини, шунинг учун уларни нонлар билан бирга сақлаб қўйишликни буюрган. Темурбек пири комил томонидан берилган нон ва ёнғоқларни ҳаёти давомида авайлаб сақлагани учун унинг ҳаётида барокатли, хайрли ишлар кўпайиб бораверган.

Амир Темур ардоғидаги учинчи пир Саййид Баракадир. Ул зот Каъба хожаси учун белгиланган вақфларнинг Хуросондаги ноиби бўлган, кейинчалик оила аъзолари билан Андхўйга кўчиб келиб шу ерда умргузоронлик қилган.

Саййид Барака билан Амир Темурнинг илк учрашуви Термиз яқинидаги Биё қишлоғида рўй беради. Саййид Барака Амир Темур фаолиятини қўллаб-қувватлаб, унга Олий ҳокимият рамзи катта ногора – табл билан ялов – байроқ тортиқ қилади. Шубҳасиз бу воқеа сиёсий аҳамиятга эга эди. Шу кундан Темурбек Саййид Баракага пир сифатида эътиқод қўяди.

Амир Темур 1370 йилда бутунлай ҳокимиятни қўлга киритгач, шу йилнинг кузида катта қурултой ўтказилади. Қурултойга мамлакатнинг барча вилоятларидан вакиллар иштирок этади. «Улар халқ - озодлик

харакатига йўлбошчилик қилган, Турон элини озодлик ва мустақиллик кунларига етказиб келган Амир Темурни ўзларининг энг олий ҳукмдорлари деб эълон қилдилар. Бу ҳақда Сайид Барака бошлик уламолар махсус фатволар ёзиб, бутун вилоятларга, қўшни мамлакатларга, хатто муқаддас Маккага Мадинага ҳам хушхабар юборадилар»¹.

Соҳибқирон тўртинчи пири Шайх Зайниддин Абу Бакр ат-Тойбодий билан илк дафа 1381 йилда Ҳаридуд водийсида учрашиш шарафига муяссар бўлди. Амир Темур Тойбод қишлоғига йўли тушганда қишлоқда улуғ бир шайх истиқомат қилишлиги хабарини эшитгач, уни ҳузурига чорлаб бир неча одам юборади. Бироқ, у Амир Темурга ишим йўқ дея келишни маъқул кўрмайди ва ниҳоят Амир Темурнинг ёлғиз ўзи шайх ҳузурига борганда Шайх ҳузурига борганда шайх уни уйдан чиқиб кутиб олади ва елкасига қўлини қўяди. Кейинчалик Амир Темур бу вазиятни эслаб «Агар шайх яна бир замон қўлини елкамдан олмаганда, мен гўёки осмон устимга тушиб, оғирлик тагида қолиб пачоқ бўлаёзгандай эдим», - дея хотирлайди. Бу эса жисмонан ниҳоятда бақувват бўлган Амир Темур вужудига шунчалик оғирликни юклай олган шайхдаги ботиний куч-қудрат борлигидан далолат беради. Шундан сўнг шайх Амир Темур узоқ суҳбатлашади, ўз маслаҳатларини беради. Шу кундан улар ўртасида ўзаро содиқлик ришталари боғланади.

Амир Темур 1356 йилда йигирма ёшга тўлиб йигитлик кўркини намойиш этганда пири Тойбодий билан бўлган тарихий учрашуви ҳақида қуйидагича ёзади. «Қутб ул-актоб Зайниддин Абу Бакрга ирода қўлини бердим. Шайх камаримни шоҳлик ёғдуси билан боғладилар, ўз бош кийимини бошимга қўйдилар ва ақиқ кўзли бир узук бердилар. Унинг кўзига «Рости-ю русти» («Куч ҳақиқатда») нақш қилинган эди. Айтдиларки, яқин кунларда давлат Тонги ёришади. Менинг кўнглимга аён

¹ (Қодиров П., Амир Темур сиймоси, Т., «Ўзбекистон», 2007, 102-б).

килдики, Муҳаммад (унга саломлар бўлсин) авлодидан бир киши сенга мададкор бўлади. Ҳозир уни кўришинг маъқул эмас, кейинроқ кўрасан»¹.

Соҳибқироннинг порлоқ истикболи ҳақида хайрли башорат пири муршиди Тойбодий томонидан билдирилган ва унинг қўлига ўз узуги тақиб қўйган. Узук кўзидаги «Куч ҳақиқатда» пурҳикмат ақидага Амир Темур умри давомида қатъий амал қилганлигини тарихий манбалардан кўп бор ўқиймиз. «Куч ҳақиқатда» тамойили Соҳибқирон давлат бошқарувида устувор ғоя бўлди ва Тойбодий томонидан билдирилган маслаҳатларга тўла амал қилганини ўз тузукларида қуйидагича қайд этади. «Пирим Зайниддин Абубакр Тойбодий менга ёзишларким: «Абулмансур Темур, салтанат ишларида тўрт нарсага амал қилгин, яъни; 1) (ўзинг билан) кенгаш; 2) (бошқалар билан) машварату маслаҳат айла; 3) хушёрлигу мулоҳазакорлик билан қатъий қарор чиқар; 4) эҳтиёткорлик қил. Чунки кенгаш ва машваратсиз салтанатни барча қилган ишлари ва айтган гаплари хато бўлган жоҳил одамга, қиёслаш мумкин; унинг сўзлари ва қилмишлари бошга пашаймонлик ва надомат келтиргай. Шундай экан, салтанат бошқаришда машварату маслаҳат ва тадбир билан иш юритгин, токи оқибатли надомат чекиб, пушаймон бўлгайсан.

Яна шуни ҳам билгилким, салтанат ишларининг бир қисми сабру тоқат билан бўлгай, яна бир қисми эса билиб-билмасликка, кўриб-кўрмасликка солиш билан битур. (Хуллас) тадбирлардан огоҳ қилингандан кейин шуни айтиш жойиздирким, қатъийлик, сабр, чидамлилик, хушёрлик, эҳтиёткорлик ва шижоат билан барча ишлар амалга оширилгай. Вассалом»².

Ушбу мактуб Амир Темурга бир умр раҳнамолик қилди, мактабда айтилган маслаҳатларга амал қилиб Амир Темур салтанатни бошқариш ишларининг тўққиз улушини машварат ва кенгаш билан, бир қисмини қилич билан бажо келтирди. Шунинг учун ҳам у марказлашган қудратли

¹ Амир Темур Кўрагон. Темур қиссаси. Т.: 2007, 16-б

² Темур тузуклари. Т.: «Шарқ», 2005, 12-13 б

йирик давлат барпо этишга эришди, унинг бошқарув тизимидаги тажрибаси кейинчалик унинг авлодларига дастур вазифасини ўтади.

Темурнинг отаси Тарағай ҳам руҳонийга сидқидилдан эътиқодда бўлгани учун ҳам Шайх Шамсиддин кулолни пир деб билган ва мурид бўлган. Темур ҳам ёшлигидан ана шундай муҳитда тарбия топган ва умрининг охиригача дин пешволари ва уламоларнинг иззатини жойига қўйди, ўз пири комилларига эса айрича ҳурматда бўлди. Отаси вафот этганида уни пирига садоқат рамзи сифатида унинг ёнига дафн эттирди.

Амир Темур кўпгина ҳарбий юришларида пири мутишдини ҳамроҳ қилиб бирга олиб юрган. «Зафарнома»да ёзилишича 1370 йилда Ҳусайнга қарши курашда пири Саййид Барака ҳамроҳлик қилган ва унга мадад бериб турган. Амир Темур вафотидан сўнг унинг жасади Шохрух томонидан Андхўйдан келтирилиб отаси Амир Темурнинг васиятига кўра унинг бош томонига дафн этилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, Амир Темур ўз фаолияти давомида ислом динини маънавий манба сифатида қабул қилган ва ислом динига кенг қўламда суянган.

Ислом дини ақидаларини теран бўлишининг боиси шундаки, у ёшлиқдан Қуръони Каримни ёд билган ва Қуръон каломларига амал қилган. Ўз аскарларини ҳам Ислом ғоялари руҳида тарбиялаб, ислом арконларига амал қилишликни улардан қатъий талаб қилган. «Зафарнома»да ёзилишича ҳатто Амир Темур ҳарбий юришларида кўчма мачитни ўзи билан бирга олиб юрган ва ҳар қандай вазиятда ҳам беш вақт намоз ўқишликни канда қилмаган. Бу эса Амир Темурнинг ислом қоидаларига нечоғлик содиқ қолганини кўрсатади.

Умуман, Амир Темур ҳаёти давомида эътиқод қўйган, ихлос қилган улуғ кишилар кўп бўлган. Албатта, Соҳибқирон улардан маслаҳат, руҳ ва маънан далда олган. Бу эса шубҳасиз, буюк саркарданинг бунёдкорлик, ободончилик ва саховатпешалик ишлариги замин яратган.